

21 ёшли мусулмон АҚШдаги сайловда ғалаба қозонди



15:15 / 10.11.2018 3353

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни АҚШ Конгрессига оралиқ сайловлар ўтказилди ва бутун дунё биринчи муслимининг америка қонунчилик йиғилишига сайланганидан хабар топди.

Аmmo ўша куни бу мусулмонларнинг қўлга киритган ягона ғалабаси эмас эди - сешанба куни шунингдек, маҳаллий ва минтақавий миқёсдаги сайловлар ўтказилиб, уларда ҳам мусулмон озчилик вакиллари муваффақият қозонишди.

North Jersey нашрининг хабарига кўра, биргина Нью-Джерсида бошқарувчи кенгашлар аъзолари ва мэрларга ўз номзодини қўйган 20 дан ортиқ мусулмондан 11 нафари ғалаба қозонган. Хусусан, Жерси-Ситидан 21

ёшли Муссаб Али таълим бўйича шаҳар кенгаши таркибига сайланди.

Ёш амалдор нима учун сиёсатга киришга аҳд қилганининг сабабини изоҳлаб берди.

«Бу мен учун қаршилик кўрсатиш, – дейди Али. – Олий ҳукумат бошида турган шахс исламофобияни қўзғатаётгани ва менинг жамоатимдаги мусулмонларга мақсадли ҳужумларни қилаётгани, курашувчи одамга айланишимга мажбур қилмоқда».

***Islom.uz* портали таҳририяти**